



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№45 (998)

2026 йил 16 июнь, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Гастрономик кўча иш бошлади



Андижон шаҳрида яна бир 24/7 тартибда ишлайдиган замонавий гастрономик кўча ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллик байрами олдидан Андижон шаҳридаги Қўшариқ маҳалласи ҳудудид

андижонликлар ва шаҳар меҳмонлари учун яна бир қулайлик яратилди. 24/7 тартибда ишлайдиган замонавий, барча қулайликларга эга бўлган гастрономик – туризм кўчаси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Ушбу кўчада 50 дан зиёд музқаймоқ, салқин ичимликлар ва бошқа савдо дўконлари, хизмат кўрсатиш объектлари, хушманзара дам олиш масканлари, ташкил этилиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилди.



Янги барпо этилган гастрономик кўча шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг кўнгилли дам олиш имкониятини кенгайтириш билан бирга, ҳудуднинг ободлиги ва шаҳарсозлик қиёфасини янада яхшилашга хизмат қилади.

– Замонавий, ўзига хос қиёфага эга мазкур кўча андижонликлар, айниқса, маҳалламиз аҳли учун ўзгача тўхфа бўлди, – деди Қўшариқ маҳалласида яшовчи, меҳнат фахрийси Зарифахон Шокирова ЎЗА мухбири Фахриддин Ўбай-

дуллаевга. – Фарзанд, набираларни етаклаб мана шундай обод, замонавий кўчада сайр қилиш шубҳасиз, ҳар қандай кишининг кўнглини кўтаради. Кўндан кўнга обод бўлаётган юрти-мизга асло кўз тегмасин.



Президент ташаббуслари – амалда

ШАҲАРСОЗЛИКДА халққа кафолат, қурувчига шароит, давлатга интизом тақдим қиладиган янги формула

У беш-олти йил тинимсиз ишлади. Пешона тери билан топган пулларини уй оламан деб қурувчи компанияга топширди. Ниятлари катта эди. Аммо қурилиш бошланганидан бир йил ўтиб, ўша ширкат ғойиб бўлди. На уйдан дарак бор, на пулдан.

Энди бошқа бир ҳаётий мисол. Маҳаллалардан бирида нохуш воқеа содир бўлди. Аниқроғи, болалар ўйнайдиган ягона яшил майдонча ўрнида бир кечада тўсиқлар пайдо бўлди. Ҳеч қан-

ча вақт ўтмай, баланд бино қурилиши бошланди. Оқибатда маҳаллада чироқ тез-тез ўчадиган, сув босими пасайиб, канализация тизими дош беролмайдиган бўлиб қолди.

Бу каби оғриқли мисоллар ҳаётимизда, афсуски, кам учраётгани йўқ. Рақамларга эътибор қаратинг. Ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда улушли уй-жой қурилиши билан боғлиқ фирибгарликлар туфайли 3 мингга яқин фуқаро нақд 668 миллиард сўмлик зарар қўрган. Шунингдек, 2025 йилда 1 минг 952 та ноқонуний ва ўзбошимчалик билан қурилган объект аниқланган.

Ҳўш, бу каби бош-бошдоқликка қандай чек қўйса бўлади?

Шу йилнинг 10 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида урбанизация ва шаҳарсозлик соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини

ошириш бўйича ўтказилган тақдимот айнан мана шундай долзарб масалаларга мукаммал ечим беришга қаратилгани билан ғоят аҳамиятли бўлди.

Бугун Ўзбекистон аҳолиси энг тез кўпайиб бораётган мамлакатлардан бири саналади. Ҳар йили оилалар сони 250 минг атрофида кўпаймоқда. Одамлар шаҳарларга талпиняпти. Юртимизда шаҳар аҳолиси улуши 50 фоиздан ошиб кетди. Шаҳарлар эса режасиз, тарқоқ ривожланса, юқоридаги каби инфратузилмавий инқирозлар келиб чиқаради.

– Бугунги кунда республикаимиздаги 8 минг 604 та аҳоли пунктдан бор-йўғи 2 минг 506 таси, яъни 29 фоизи бош режалар билан қамраб олинган, – деди Урбанизация ва уй-жой бозорини ривожлантириш миллий қўмитаси бошқарма бошлиғи Азизбек Латифжонов ЎЗА мухбири Икром Аввалбоевга. – Қолган 71 фоизда эса тизимли назорат суст эди. Тўғри, “Шаффоф қурилиш”, “Е-аuktion”, “Е-qaqor”, “Менинг уйим” каби электрон тизимлар бор эди. Лекин улар бир-бири билан “таплашмасди”. Яъни ягона база йўқ эди. Ер бир тизимда, лойиҳа бошқасида, рухсатнома эса мутлақо бўлак жойда шаклланади. Энди бу тизим тубдан ўзгаради. Янги тартибга кўра, соҳага “Уй-жой” ягона ахборот платформаси киритилади. Қурилиш жараёнларига ҳудуднинг, лойиҳанинг ҳамда объектнинг рақамли паспортлари жорий этилади. Рўйхатдан ўтмаган шаҳарсозлик ҳужжати юридик кучга эга бўлмайди. Бу эса ҳеч бир тадбиркор ўзбошимчалик билан келиб, маҳалла ўртасида ноқонуний бино кўтара олмаслигини англатади.

ҚУРИЛИШ СОҲАСИ Ўзбекистон иқтисодиётидаги энг динамик ва рақобатбардош соҳага айланади

Қурилиш соҳаси ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим ва стратегик йўналишларидан биридир. Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “Қурилиш соҳасида натижага асосланган бошқарувни жорий этиш ҳамда соҳада давлат хизматларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ушбу соҳада туб бурилиш ясашга қаратилган. Яъни жараёнлар соддалаштирилади ва тўлиқ рақамлаштирилади.

Нигора НОЗИМЖОНОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган мазкур Фармон мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлган қурилиш соҳасини тубдан янгилашга қаратилган стратегик ҳужжат сифатида эътиборга молик. Фармоннинг энг муҳим жиҳати, қурилиш соҳасида натижага асосланган бошқарув модели жорий этилиши. Бу моделда давлат органларининг самарадорлиги, улар томонидан яратилган шароитлар, тезкор қарор қабул қилиш имконияти ва хизмат сифати орқали баҳоланади. Шу орқали бюрократик босқичлар қисқартирилади. Қарор қабул қилиш тизими оптимallasштирилиб, инсон омилига боғлиқ субъективлик камайитирилади, давлат хизматлари ягона стандарт асосида ташкил этилади.

– Мазкур Фармон қурилиш соҳасида туб бурилиш ясайдиган муҳим ҳужжатдир, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги

бош мутахассиси Ҳамза Очилов. – Биноларнинг ташқи кўринишига ўзгартириш киритилишига рухсат бериш, бино ва иншоотларни қайта қуриш, реконструкция қилиш, бузиб ўрнида қуриш ёки унинг ўрнида қўшимча бинолар қурилишига рухсат бериш масаласи Фармонда белгилаб берилган. Рухсатномаларни бериш муддати ва уларга тўланадиган тўлов миқдорини икки баробарга қисқартириш, уларни беришга амалда 7 иш куни белгиланган бўлса, эндиликда сўнъий интеллектни қўишиш эвазига муддатни узоғи билан икки кунга қисқартириш имконияти бўлади. Тадбиркорлик субъектларига фуқароларга енгиллик яратиш учун лойиҳани экспертизадан ўтказиш даврида зарурат бўлиб қолса, лойиҳага ўзгартириш киритиш, қайта келишиш таъқиқла-ди. Ҳа ўша ўзгартиришлар шаҳарсозлик қоидаларига зид бўлмаслиги, хавфсизлик қоидаларига мос бўлиши керак.

Иқтисодий нуқтан назардан қараганда, Фармоннинг асосий таъсири тадбиркорлик муҳитини яхшилаш билан боғлиқ. Қурилиш соҳасида лойиҳа бошлаш жараёни кўплаб маъмурий босқичлар ва идоралараро келишувларга боғлиқ бўлгани сабабли вақт ва харажатлар сезиларли даражада ошар эди. Янги тартибга мувофиқ, архитектура талаблари ва рухсат бериш жараёнлари бирлаштирилмоқда. Битта ариза битта тўлов барча улаиш нукталари тамойили жорий этиляпти. Мухандислик-коммуникация тармоқларига улаиш жараёнлари автоматлаштирилмоқда.

Фармонда назарда тутилган энг инновацион йўналишлардан бири қурилиш соҳасини тўлиқ рақамлаштириш ва сўнъий интеллект технологияларини жорий этиш. Бу йўналишлар қуйидагиларни ўз ичига олади. Рухсат бериш жараёнларини рақамли таҳлил қилиш ижро ҳужжатларини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, аризаларни кўришда автоматик ҳолат тизимини жорий этиш, қурилиш жараёнларини он-лайн мониторинг қилиш, бу орқали давлат хизматларининг шаффофлиги ошади. Коррупцион омиллар камаюди ҳамда қарорлар қабул қилишда инсон омили минимallasлади.



uzbunyodkor.uz



info@uzbunyodkor.uz



uzbunyodkor



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkor



qurilish.today





Тошкентда реновация лойиҳаларини амалга ошириш бошланди

Биринчи босқичда аҳолини, ташаббускор гуруҳларни ва лойиҳа тарафдорларини унинг тафсилотлари, амалга ошириш тартиби, таклиф этилаётган ҳудудлар, кўчириш шартлари ҳамда бошқа муҳим масалалар билан бевосита таништириш кўзда тутилган.

Бу ҳақда пойтахт ҳокимлиги матбуот хизмати хабар берди.

Пойтахт ҳокими Шавкат Умурзоқов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Яшнобод, Миробод ва Сергели туманларидаги реновация ҳудудларида ташкил этилган штаблар фаолияти билан танишди.

Хусусан, Яшнобод туманидаги Жаркўрғон, Миробод туманидаги Абдурауф Фитрат номи ва Сергели туманидаги Хонободтепа маҳаллаларида жойлашган штаблар фаолияти кўздан кечирилди.

Бундай штаблар ҳар бир реновация ҳудудида фаолият юритади. Уларнинг таркибига барча мутасадди ташкилот ва хизматлар: ҳокимликлар, прокуратура, ички ишлар органлари, Миллий гвардия, солиқ идоралари, Мажбурий ижро бюроси, коммунал хизматлар, кадастр,

адлия, қурилиш идоралари, маҳалла тузилмалари вакиллари, шунингдек, газ, электр, сув ва иссиқлик таъминоти масалалари бўйича мутахассислар, банкирлар, нотариат ва бошқа масъул ташкилотлар киради.

Штабларнинг асосий вазифаси – бевосита жойларда бўлиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, реновация механизминини тушунтириш, саволларга жавоб бериш, ҳар бир оиланинг таклифлари, хавотирлари ва ўзига хос ҳолатларини қайд этиб боришдан иборат. Аҳоли билан учрашувлар чоғида лойиҳаларни амалга ошириш тартиби, кўчириш, ҳужжатларни расмийлаштириш, компенсация тўлаш, муддатлар, кафолатлар каби масалалар ҳамда аҳолини жойлаштиришнинг энг қулай ва мақбул вариантлари бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Шавкат Умурзоқов реновация жараёнида фуқароларни тайёр янги уйлардаги тенг қийматли хонадонлар билан таъминлаш устувор вазифа бўлиши кераклигини таъкидлади. Бу, одамларга қурилишнинг туғашини йиллар давомида кутиб ўтирмасдан, имкон қадар қисқа муддатларда – иложи бўлса, ўша туманининг ўзида ёки ўзлари учун одатий шаҳар муҳитида жойлашган шинам хонадонларга кўчиб ўтиш имконини беради.

Ўз муҳбиримиз.

Тадбиркорлар билан очиқ мулоқот

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан ҳудудларда фаолият юритаётган соҳа тадбиркорлари билан очиқ мулоқотлар давом эттирилмоқда. Навбатдаги учрашув Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритувчи қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси тадбиркорлари иштирокида ташкил этилди.



Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Унда вазирлик мутасаддилари ҳам онлайн форматда қатнашиб, тадбиркорларни қийнаётган масалалар, мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг таклиф ва ташаббуслари муҳокама қилинди. Мулоқот давомида соҳада тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қурилиш жараёнларини янада такомиллаштириш ҳамда тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикр алмашилди.

Очиқ мулоқотда 10 га яқин тадбиркорнинг бугунги кунда ечимини қутаётган бир қатор масалаларига шу ернинг ўзида жавоб берилиб, қўллаб муаммолар ўз ечимини топди.

– “Шодлик” МФЙ ҳудудида яроқсиз ҳолга келиб қолган футбол майдончасини реконструкция қилишга кўп вақтдан бўён рухсат берилмаётган эди, – деди Тўрткўл туманидаги “Тўрткўл очини” МЧЖ раҳбари Пўлат Ўринбоев. – Очиқ мулоқотда ушбу муаммони ечиб беришини илтимос қилган эдим, тез фурсатда ҳал бўлди. Ҳозирда реконструкция ишларини бошлаб юбордик. Тез орада футбол майдончасини ишга туширамиз.

Шунингдек, тадбиркорлар фаолиятида учраётган айрим муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқирилиши маълум қилинди.



“Bukhara City”: таълим инфратузилмаси қурилишида сифат устувор

Бухоро шахрининг бугунги қиёфасини белгилаб берувчи “Bukhara City” мажмуаси ҳам замонавий турар жойлар, ҳам мукамал ижтимоий экотизим маконига айланмоқда. 83 гектар майдонни қамраб олган, 77 та лотдан иборат ушбу замонавий мажмуа таркибида турар жойлар, меҳмонхоналар, офис ва савдо объектлари билан бирга таълим, тиббиёт, ахборот технологиялари ҳамда туризм йўналишидаги иншоотлар ҳам барпо этилмоқда.

Зулфизар МАВЛОНОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ҳозирга қадар 23 та лот фойдаланишга топширилган. Улар орасида кўп қаватли уйлар, таълим муассасалари, меҳмонхона ва савдо маркази мавжуд.

Айни кунларда мазкур ҳудудда аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминловчи энг муҳим бўлган таълим муассасалари қурилиши диққат марказида турибди. Келажақ пойдевори саналган мактаб ва боғчалар бунёдкорлигини тартибга солиш, лойиҳаларнинг сифат ҳамда муддат мутаносиблигини таъминлаш максасида “Bukhara City” дирекцияси раҳбарияти томонидан навбатдаги назорат тадбири ўтказилди.

Ўрганишлар давомида асосий ургу қурилишнинг техник регламентларга мувофиқлиги ва жараённинг узлуksизлигига қаратилди. Хусусан, мажмуанинг 47- ва 74-лотларида қад ростлаётган мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда 39- ва 75-лотлардаги умумтаълим мактабларида олиб борилаётган ишлар изчиллиги таҳлил қилинди. Дирекция директори Фирдавс Пўлатов бошчилигидаги мутахассислар инвестор ва пудратчилар билан юзма-юз мулоқот-

да бўлиб, ҳар бир объектининг жорий ҳолатини синчиклаб кўздан кечирдилар.

Муҳокамалар марказида биноларни тиклаш ишлари билан биргаликда уларда замонавий таълим стандартларига жавоб берадиган муҳитни яратиш масаласи турди. Лойиҳа ижрочилари олдига ишни тасдиқланган графикалар асосида жадаллаштириш, юзага келаётган ташкилий-техник муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш бўйича қатъий вазифалар қўйилди. Ҳар бир бўғин бўйича масъулларга берилган топшириқлар сифат назоратини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

– Биз учун энг асосий мезон – қурилиш ишларининг сифатли, хавфсиз ва белгиланган муддатларда бажарилишидир, – деди Фирдавс Пўлатов. – Ҳар бир лотда олиб борилаётган ишлар қатъий назорат остида бўлиб, аниқ график асосида ҳаракат қилиш талаб этилади. Чунки мактаб ва боғчалар келажақ авлодининг баркамол ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга иншоотлар ҳисобланади.

Шунингдек, мутасаддилар томонидан ҳудуддаги барча қурилиш жараёнлари доимий назорат остида экани – ишчилар учун хавфсиз меҳнат шароити яратишга, қурилиш материалларининг сифатини таъминлаш ва шаҳарсозлик талабларини бажаришда эътиборни қучайтиради. Лойиҳаларни амалга оширишда инвесторлар ва пудрат ташкилотлари билан ҳамкорликда юзага келаётган масалаларни тезкор ҳал этиш, ишчи кучи ва техник имкониятлардан етарлича фойдаланиш орқали қурилиш ишлари режага мувофиқ амалга ошмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ижтимоий объекتلарнинг ишга туширилиши мажмуанинг инвестициявий жосибдорлигини ошириш билан бирга, ҳудудда яшовчи оилалар учун муносиб ҳаёт шароитини кафолатлайди. Zero, “Bukhara City” концепцияси таълим, хизмат кўрсатиш ва қулайлик уйғунлашган янги типдаги урбанистик марказни яратишни кўзда тутди. Бу сингари бунёдкорлик суръатлари Бухоронинг замонавий шаҳарсолик аънаналари янги босқичга чиқаётганидан далолат беради. Ижроси таъминланаётган ҳар бир лойиҳа эса эртанги кун эгалари учун муносиб таълим даргоҳлари бўлиб хизмат қилади.

ШАҲАРСОЗЛИКДА халққа кафолат, қурувчига шароит, давлатга интизом тақдим қиладиган янги формула

➔ **1** Таъкидланишича, мақоламиз бошида келтирилган муаммолар қайта тақдорланмаслиги учун давлат энди “эскроу” тизимини ишга туширмоқда. Бу тизим қандай ишлайди? Оддий тилда изоҳлаймиз.

Сиз уй олмоқчи бўлсангиз, пулни тўғридан-тўғри қурувчининг қўлига ёки ҳисобига бермайсиз. Маблағингизни ваколатли банкдаги махсус “эскроу” ҳисобварағига жойлаштирасиз. Пул банкда хавфсиз сақланади. Қурувчи уйни тўлиқ битказиб, сизга қалитни топширгач, топшириш далолатномаси имзоланганидан кейингина банк бу пулни қурувчига ўтказиб беради. Агар қурувчи банкрот бўлса ёки шартнома шартларини бузса, банкдаги пулингиз ўзингизга тўлиқ қайтарилади. Бу фуқаро учун юз фоизлик хавфсизлик кафолатидир.

Тақдимотда тилга олинган яна бир қатта масала реновация бўлди. Яъни эскирган уй-жой фондини янгилаш йўналиши ҳақида топшириқлар берилди. Мамлакатимизда 1991 йилгача қурилган 17 мингта уй бор бўлиб, уларнинг кўпи маънан ва жисмонан эскирган. Шаҳарсозлик реновацияси тўғрисидаги янги қонун мана шу уйлارда яшаётган аҳолининг розилиги билан, уларнинг ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилган ҳолда, ушбу ҳудудларни комплекс янгилашни кўзда тутди.

Шаҳарни чексиз кенгайтиришнинг имкони йўқ. Ҳудуд четга қараб кенгайса, у ерга километрлаб янги газ, сув, электр тармоқларини тортиш керак бўлади. Бу эса давлат бюджетига улкан харажат туғдиради. Энг ёмон унумдор қишлоқ хўжалиги ерлари йўқотилади. Бу, ўз навбатида, озик-овқат хавфсизлигига ҳам жиддий таҳдидир.

Шу боис, эски икки-уч қаватли уйлар ўрнида барча шароитлари мукассам, энергия тежамкор, атрофида камиди 30 фоиз яшил ҳудуди ва 15 қатқалик масофада мактаб, боғча, шифохонаси бўлган замонавий кўп қаватли мажмуалар қуриш энг оқилона йўлдир.

Ушбу ислохотлардан қимга нима наф? Келинг, ушбу саволга очик ва лўнда жавоб берайлик.

Энг аввало, халқимиз наф кўради. Одамлар уй олаётганда алданиб қолмайди. Кўп қаватли уйлар атрофида боғча, мактаб, яшил майдонлар бўлади. “Сув чиқмайди, чироқ ўчади” деган муам-



молар барҳам топади. Чунки инфратузилма олдиндан ўн йиллик аҳоли ўсиши истикболларига қараб ҳисоблаб, аниқ режа билан қурилади.

Инсофли ва ҳалол қурувчилар учун соғлом рақобат муҳити яратилади. Коррупция ва турли идоралар эшигида сарсон бўлишлар йўқолади. Ҳамма ҳужжат ағона рақамли тизимда шаффоф қўриниб туради.

Давлатга эса иқтисодий юксалиш ва қатъий тартиб жиҳатидан наф беради. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, урбанизация даражаси бир фоизга ошса, мамлакат ялли ички маҳсулоти ҳам тўғридан-тўғри шунча фоизга ўсади. Давлатнинг ер ресурслари тежалли. Инфратузилмага ортиқча ва беҳуда харажатлар қилинмайди. Энг муҳими, ноқонуний қурилишлар ва ижтимоий норозиликлар камаяди, халқнинг давлатга бўлган ишончи янада мустаҳкамланади.

Уйни шунчаки тўрт девор ва томдан иборат бошпана деб ўйламаслик керак. У ҳар биримиз хотиржам нафас оладиган, фарзандларимиз улғаядиган муқаддас макондир.

Давлатимиз раҳбари томонидан шаҳарсозликни рақамлаштириш, бош режаларни тизимга солиш ва улушли қурилишни назоратта олиш бўйича белгилаб берилган вазифалар эса шунчаки техник жараён саналмайди. Бу одамларнинг йиллар давомида топган ҳалол пулини фирибгарлардан асраш, шаҳарларимизни “бетон тўполонлари”дан қутқариб, чинакам яшил ва шинам маконга айлантириш демакдир.

ҚУРИЛИШ СОҲАСИ Ўзбекистон иқтисодиётидаги энг динамик ва рақобатбардош соҳага айланади

➔ **1** Президентимизнинг фармони билан ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнидаги ҳужжатларни қисқарттиришга доир ҳам тегишли топшириқлар берилган, – деди вазирлик бошқарма бошлигининг ўринбосари Абдулгани Лапасов. – Бу жараёнда Тошкент шахри намунаси асосида, яъни композит хизмат турини бутун республикамизга тўлиқ жорий қилиш, жумладан, ҳужжатларнинг таркибини содда-лаштириш, яъни архитектура режалаштириш топшириғи ҳамда қурилишга рухсатнома бериш жараёнларида иккита ҳужжатни битта қилиб, архитектура ва шаҳарсозлик талаблари сифатида янги ҳужжатни жорий қилиш тўғрисида тегишли топшириқлар берилган. Қурилишда тадбиркорларга, фуқароларга енгиллик бўлиши учун вақтни тежаш жумладан, ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнида уларнинг сони қисқарттирилмоқда. Бу қисқарттириш жараёнида қурилишга рухсат олиш жараёнига кетадиган вақт сарфи жуда ҳам камаяди. Тегисли алгоритмлар асосида реал вақт режимида қисқа муддатда олиш имконияти бўлади.

Қурилиш соҳасидаги ислохотлар тўғридан-тўғри инвестицион муҳитга таъсир кўрсатади. Шаффоф ва прогност қилинадиган тизим ҳар қандай инвестор учун асосий ишонч омилларидан биридир. Фармон доирасида қурилишга рухсат бериш жараёнлари қисқариши, рақамли мониторинг тизими жорий этилиши видеокузатув орқали назоратнинг қучайтирилиши инвестицион муҳитнинг барқарорлигини оширади. Бу эса Ўзбекистон қурилиш бозорининг минтақавий бардошлигини мустаҳкамлайди.

– Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати, сув, газ, электр ва канализация тармоқларига ула-ниш битта ариза орқали композит тарзда тўртта давлат қизматидан фойдаланиш натижасига эришилади, – деди вазирлик бош юрисконсулти Абдували Мухторов.

Фақат тадбиркор эмас, балки оддий фуқаро ҳам бу ислохотлардан бевосита манфаат кўради. Чунки қурилиш сифати устидан назорат қучайтирилади. Йирик объектларда видеокузатув жорий этилади. Қурилиш жараёнлари бевосита онлайн мониторинг қилинапти. Шунингдек, 50 йилдан ошган кўп квартирали уйлارда қайта режалаштириш чекловлари қўйилиши аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

– Эксплуатация муддати 50 йилдан ошган кўп квартирали уйлارда ҳар қандай реконструкция ишлари тўхтатилади. Янги қурилган кўп квартирали уйларида пудратчи томонидан 2 йил муддатга кафолат берилган ҳар қандай аниқланган камчиликларни бартараф этиб бориш белгиланган, – деди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи Шерзод Қажомхўжаев.

– Инспекция томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан берилган мажбурий кўрсатмалар ўз муддатида бартараф этилмаса, пудрат ва қурилиш ташкилотлари рейтинг баҳосига салбий таъсир кўрсатиш белгиланди. Келгусида шу ташкилотларнинг тендерларда қатнашиш имконияти пасасди. Ислохотларнинг самарадорлиги юқори малакали кадрлар салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида халқроқ тажрибага эга мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Президент ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги томонидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Австрия, Жанубий Корея каби давлатларда шаҳарсозлик йўналишида, қурилиш соҳасини назорат қилиш тизимларини ва бошқа шу соҳага тегишли замонавий билимларни ўрганиш бўйича амалий стажировкалар ташкил этиш бўйича ишлар олиб боришмоқда, – деди агентлик департамент директори Илҳом Қурбанов. – Ушбу стажировкалар учун аниқ маълум бир компетенциялар эгаллашга йўналтирилган дастур ишлаб чиқилади ва улар асосида олинган амалий кўникмалар тўғридан-тўғри ишларда чиқариш соҳасида жорий этилади. Бунинг натижасида соҳага халқроқ стандартлар кирди келади, маҳаллий лойиҳа ва пудрат ташкилотлари халқроқ тендерларда иштироки ошади.

Тошкент архитектура қурилиш университети, Наманган давлат техника университети, Қарши давлат техника университети ва хорижий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилмоқда.

– Қурилиш компанияларида қанчалик кўп юқори малакали ходимлар бўлса, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида ана шу компаниянинг рейтинг балларига қўшимча баллар берилиши белгиланди, – деди Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика маркази директори ўринбосари Элдор Сиддиқов. – Бундан ташқари, ҳозир барча соҳада бўлаётгани каби қурилиш соҳасида ҳам бир неча йиллардан бўён ишлаб келаётган ҳақиқий амалий тажрибага эга бўлган, лекин олий таълим маълумоти бошқа соҳадаги бир қанча мутахассислар бор. Давлат раҳбари уларни қисқа курсларда амалиётга йўналтирилган дастурлар орқали қайта ўқитиб, давлат намунасидаги дипломлар бериш бўйича алоҳида топширик берди.

Президентимизнинг Фармони қурилиш соҳасини янги иқтисодий ва бошқарув моделига ўтказишга қаратилгани билан комплекс ислохотдир. Унинг моҳиятини учта йўналиш билан ифодалаш мумкин. Тадбиркор учун – енгиллик ва тезлик, давлат учун – самара ва шаффофлик, жамият учун – хавфсизлик ва ишонч. Бу ислохотлар амалда тўлиқ жорий этилса, қурилиш соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётидаги энг динамик ва рақобатбардош соҳаларга айланиши аниқ,



Ичимлик суви йўқотилишининг олдини олишда ҳуқуқий ва техник ечимлар

Глобал иқлим ўзгариши ва сув ресурслари тақчиллиги кучайиб бораётган ҳозирги даврда ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш ва тизимдаги йўқотишларни камайтириш энг долзарб вазифа ҳамда бугунги куннинг асосий экологик ва иқтисодий муаммоларидан биридир.

Нуриддин НИГМАТИЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси.

Эскирган тармоқлар ва эътиборсизлик ту- файли дунёнинг айрим ҳудудларида тақсим- лаш тармоқларидаги йўқотишлар 30 фоиздан 50 фоизгача етмоқда. Иқлимнинг шиддатли ўзгариши ва дунё аҳолисининг ўсиши шаро- нтида бундай исрофгарчиликка асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ичимлик суви йўқотилишининг асосий са- баблари қуйидагилардан иборат:

- техник йўқотишлар: авариялар, қувор чокларидан сув сизиб чиқиши ҳамда сув тақсимлаш иншоотларидаги носозликлар;
- тизимли камчиликлар: сув ҳисоблагичларнинг мавжуд эмаслиги, сув таъминоти тармоқларига ноқонуний ва ўзбошимчалик билан уланишлар, шунингдек, ҳисобга олинмаган сув истеъмоли.



Бугунги кунда ер ости қуворларининг акса- рият қисми бундан бир неча ўн йиллар олдин ётқизилган. Эски чўян ва пўлат қуворлар ту- проқ босими ҳамда намлик остида коррозияга учраб, ёрилмоқда. Бундан ташқари, сув қувури тармоғидаги истеъмол ҳар дақиқада ўзгариб туради: энг юқори чўққи эрталаб ва кечқурун содир бўлади. Агар насос станциялари суткасига бир хил қувватда сув ҳайдашни давом эттирса, тунги соатларда тизимдаги босим кескин оша- ди. Ортиқча босим қуворларнинг заиф туташishi жойларини йиртиб юборadi ва микроёриқлар орқали сув йўқотилишини тезлаштирадi.

Аварияларнинг олдиндан аниқланиб барта- раф этилмаслиги, балки фақат асфалт остидан фаввора отилиб чиққанда ёки йўл чўкқандагина чора кўрилиши ҳам асосий муаммолардандир. Бу вақтга келиб, яширин сизиб чиқиш ойлаб да- вом этган ва минглаб тонна тозаланган сув ерга сингиб кетган бўлади. Биргина Тошкент шаҳри мисолида ошқора авариялар натижасида 2025 йилда 38 095 092 м³, яширин авариялар оқиба- тида эса 12 500 000 м³ сув йўқотилган.

Истеъмолчиларнинг сантехника ускуналар- и носозлиги, жумладан, сув оқиб турадиган жўмраклар, унитазларнинг бузилган бочкалари ва эски уйлардаги қувурлар ҳам тоза сув исро- фиға сабаб бўлмоқда. Томчилаб турган жўмрак ёки бетўхтов оқиб турган унитаз бочкаси алоҳи- да яшовчига арзимаган нарса бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ, битта носоз ҳоҷатхона бочкаси кунига 200 литргача тоза ичимлик сувини сез- дирмасдан канализацияга “оқизиб” юборadi. Мегаполис миқёсида бу тозалаш ва етказиб бе- риш учун электр энергияси ҳамда қимматбаҳо реагентлар сарфланган миллионлаб куб метр ресурснинг йўқотилиши демакдир.

Йўқотилган сувнинг ҳаммаси ҳам ерга тўқилмайди. Унинг қатта қисми талон-торож қилинмоқда ёки ҳисобга олинмаяпти. Бунга ноқонуний уланишлар, ҳисоблагичларни чет- лаб ўтиш орқали сувдан фойдаланиш (айниқса, хусусий секторларда ва саноат объектларида), эскирган ёки атайлаб бузилган ҳисоблагичлар- дан фойдаланиш сабаб бўлмоқда.

Инновацион ва техник ечимлар

Ичимлик суви йўқотилишига қарши ку- рашиш шунчаки қуворлардаги тешикларни ямаш эмас, балки тизимни комплекс модерни- зация қилишни ҳамда авария бошқарувидан башоратли (прогнозли) бошқарувга ўтишни талаб қилади. Бунинг учун қуйидаги “ақлли” технологияларни жорий этиш зарур:

- инфратузилмани кенг қўламда янгилаш, эски металл қуворларни 50 йилдан ортиқ хизмат қиладиган ва зангламайдиган замонавий полимер (пластик) аналогларига алмаштириш;
- минимал истеъмол соатларида (масалан, тунда) сув босимини автоматик равишда пасайтирадиган “ақлли” бошқарув тизимларини жорий этиш;
- сувни тежайдиган сантехника воситаларига (жумладан, жўмраклар учун аэраторларга) ўтиш;
- насос двигателларининг айланиш тезлигини ҳаққий сув сарфига қараб раvon ўзгарттирадиган частотавий бошқариладиган юритмалардан фойдаланиш;
- эски механик сув ўлчагичларни маълумотларни масофадан узатиш модулига эга ультратовуш ва электромагнит ҳисоблагичларга алмаштириш.

Амалга оширилаётган ислохотлар ва хориж тажрибаси

Ичимлик суви йўқотилишини минимал- лаштириш мақсадида Президентнинг тегишли қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрида хориж тажрибасини қўллаган ҳолда сув тежовчи тех- нологияларни жорий қилиш бўйича йирик дас- тур амалга оширилмоқда. Жумладан, “Тошкент шаҳар сув таъминоти” АЖ томонидан Франция- нинг “SUEZ International” компанияси билан ҳам- корликда замонавий технологиялар ёрдамида сув йўқотишларини аниқловчи махсус гуруҳлар тузилиб, носозликлар бартараф этилмоқда.

Тошкент вилоятининг пойтахтга ёндош ҳу- дудларига “Мусаффо оби ҳаёт” АЖ орқали ет- казилаётган ичимлик сув сарфи ҳисобини ин- сон омилисиз онлайн юритиш мақсадида, 2026 йилда чиқиш тармоқларига 100 дона “смарт” сув ҳисоблагичи ўрнатилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, эскирган 301,6 километр тар- моқнинг 33 километр қисмини жорий йилда капитал таъмирлаш режалоштирилган бўлиб, ҳозирда бу борадаги ишлар босқичма-босқич давом этмоқда.

Шунингдек, “Тошкент шаҳар сув таъминоти” АЖнинг барча туман бўлимларида ҳўжалик ва маиший эҳтиёжлар учун сарфланган сув ҳаж- мини аниқ ҳисобга олиш мақсадида замонавий сув ҳисоблагичлар ўрнатилди. Ушбу ҳисобла- гичлар кўрсаткичларига кўра, мазкур даврда сув сарфи 247 900 м³ ни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 65 фоизга камдир.

Ҳуқуқий асослар ва жавобгарликнинг кучайтирилиши

Ўзбекистонда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасини ошириш билан бирга, сув исрофи ва ундан ноқонуний фойдала- нишининг олдини олишга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган.

Жумладан, “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”- ги Қонун, Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси ҳамда Президентнинг ПҚ-343-сонли “Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизими- ни янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарориди соҳани рақамлаштириш ва сув ҳисоблагичларни тўлиқ ўрнатиш устувор вазифа этиб белгиланган.



Қонунчиликка киритилган сўнгги ўз- гарттиришларга мувофиқ, ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиш ва тармоқларга ўзбо- шимчалик билан уланиш учун қуйидагича жа- вобгарлик кескин кучайтирилди:

- маъмурий жавобгарлик (МЖҲКнинг 163-моддаси):** Сув қуворлари тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш, сувдан фойдаланишга қоидаларини бузиш, сувини ҳисобга олиш приборларини қасддан бузиш фуқароларга ҳамда мансабдор шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) 10 бараваридан 20 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади;
- жиноий жавобгарлик (ЖКнинг 169-моддаси):** ичимлик суви тармоқларига қонунга ҳилоф равишда уланиш орқали содир этилган ҳуқуқбузарликлар ўғирлик жинояти сифатида малакаланади. Бундай қонунбузарлиқни содир этган шахсларга нисбатан ҳолатга қараб 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин;
- етказилган зарарни қоплаш:** ноқонуний уланилган давр учун сув сарфи қуворнинг ўтказувчанлик қуввати бўйича 24 соат узлуksиз ишлаган деб ҳисобланади ва етказилган моддий зарар тўлиқ ундирилади.

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой комму- нал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ичимлик суви йўқо- тилишининг олдини олиш мақсадида доимий равишда назорат тадбирлари ўтказилмоқда. Жумладан, 2026 йилнинг ўтган даврида 181 та ноқонуний уланиш ҳолати аниқланиб, қоида- бузарларга нисбатан 174 та ҳолатда 647,2 млн сўм миқдоридида маъмурий жарималар қўланилди. 7 та ҳолат бўйича тўпланган ҳўжжатлар қонуний қарор қабул қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қи- лувчи органларга юборилди. Бундан ташқари, авария ҳолатларини ўз вақтида бартараф этма- ганлиги учун 2 та ҳолатда сув таъминоти корхо- наси мансабдор шахсларига нисбатан 5,7 млн сўм миқдоридида маъмурий жарималар қўлла- нилди.

Хулоса қилиб айтганда, сув – тугайдиган ресурс бўлиб, унинг бугун асраб-авайланиши шаҳарларимизнинг эртанги ҳавфсизлигини белгилайди. Ичимлик суви йўқотишларининг олдини олиш нафақат сув таъминоти корхона- ларининг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Ҳуқуқий меъёrlарга қатъий риоя қилиш, соҳа- ни рақамлаштириш ва қонунбузарликларга нисбатан муросасиз бўлиш орқали Ўзбекистон- нинг сув ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда ушбу бебаҳо неъматни келажак авлодларга бекам-у кўст етказиш мумкин.

Ҳар бир уй хавфсиз ва мустаҳкам бўлиши шарт

Эндиликда юртимизда бюджетдан қуриладиган қиймати 3 млрд сўмдан юқори бўлган ижтимоий соҳа объектлари, кўп қаватли уй, йирик савдо ва саноат корхонаси меҳмонхона туризм объектилари қурилиши онлайн назорат камералари билан қамраб олинди. Жойларда бу борада ишлар тизимли амалга оширилмоқда.



Президентимизнинг 2025 йил 10 апрелдаги “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳа- сида давлат назоратини самарали ташкил қи- лиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Фармони қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини кучайтириш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, қурилиш-мон- таж ишларининг сифати ва лойиҳа ҳўжжатла- рига мувофиқлиги ҳамда бошқа хизматларни кўрсатиш, улардан фойдаланиш юзасидан дав- лат назоратини таъминлашга қаратилган. Ай- нан ана шу Фармонга кўра, ҳудудий инспекция- ларда босқичма-босқич қурилиш объектларини онлайн кузатиш марказлари ташкил этилмоқда. Хусусан, яқинда Хоразм вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси биносиди онлайн кузатиш маркази ташкил этилди.

Онлайн кузатув маркази эндиликда ҳозир- да вилоятдаги 100 дан зиёд қурилиш объектла- рини 400 дан ортиқ камералар орқали назорат қилиш имкониятига эга бўлди. Сир эмас, бундан 4-5 йил олдин айрим қурилиш жараёнларида ҳали қурилиши тугалланмасдан туриб ўпири- либ тушган уйлар ҳам бўлганди. Бир сўз билан айтганда, 2025 йилдан бошлаб янги тизим ишга тушиб, барча вилоятларда қурилиш жараён- ларининг шаффофлигини таъминлашга қатта аҳамият берилмоқда. Сунъий интеллектга ин- теграция қилинган тизим давлат назоратини рақамлаштириш, шаффофлиқни таъминлаш, инсон омилини камайтириш, коррупцияни ол- дини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирда қурилиш объектиларига ўрнатилган камералар орқали сунъий интеллект жалб қи- линган. Сунъий интеллект орқали аниқланган камчиликлар тўғридан-тўғри инспекторга уза- тиш ва кўрсатмалар берилиб, камчиликлар ўз вақтида бартараф этиб келинмоқда. Бу эса очиқ- лик ва шаффофлиқни, тезкорлиқни рақамлашти- риш тизимини жорий этишга ёрдам беради.

Ўрганиш ишлари олиб борилмоқда

Вазирлар Маҳкамасининг 192-сонли қарори асосида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Давлат архитектура назорати департаменти томонидан ҳудудларда ўзбошимчалик билан қурилган биноларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш ишлари кучайтирилди. Шу мақсадда махсус ишчи гуруҳи тузилиб, ҳудудларда қурилиш объектлари ўрганилмоқда.

Хусусан, тегишли рухсат берувчи ҳўжжат- ларсиз барпо этилган бино ва иншоотларни аниқлаш, қонунчилик асосида чоралар кўриш ҳамда тартибни таъминлаш бўйича рейд тад- бирлари ташкил этилмоқда. Андижон вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси биносиди масъул ходимлар ва инс- пекторлар учун йиғилиш ўтказилиб, назорат тадбирларини самарали олиб бориш юзасидан аниқ тушунтириш ва амалий кўрсатмалар бе- рилди. Шундан сўнг инспекторлар махсус режа асосида ҳудудларга йўналтирилди.

Андижон вилоятининг Пахтаобод тумани- даги қурилиш объектининг бир қисми тегишли тартибда рухсат олинмаган ҳолда барпо этил- гани инспекторлар томонидан аниқланган ва айна пайтда қурилиш объекти эгасига тегишли тартибда тушунтиришлар берилмоқда.

Жорий йилнинг 1 августига қадар Хоразм ви- лоятиди қўшимча яна 270 та камералар билан жиҳозлаш ва интеграция қилиш режалошти- рилган. Ҳар бир объект рўйхатдан ўтади ва каме- ралар билан жиҳозланиб, мониторинг қилиб бори- лади. Қурилиш объектиларини онлайн кузатиш маркази томонидан бугунги кунгача 680 дан зиёд камчиликлар аниқланиб, инспекторлар томонидан ёзма кўрсатмалар берилди ва улар ўз вақтида бартараф қилиб келинмоқда.

Таъкидлаш керакки, бинолар техник ва эко- логик стандартларга мослиги лойиҳа талабла- рига жавоб бериши керак. Давлат назоратини амалга оширишда мобиль бодикамералар ва махсус планшетлардан фойдаланилади. Ур- ганч шаҳрида қад ростлаётган Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилиши ишларида вилоят Қури- лиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияси томони- дан олиб борилган тадбирларда қурилиш жа- раёнларининг ҳар бир жиҳатига қатта эътибор қаратилади.

– Биз амалга ошираётган лойиҳадаги объек- тимиз онлайн кузатув марказига уланган бўлиб, вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияси томонидан алоҳида ишлар олиб борилмоқда, – деди қурилиш компанияси раҳбари Фаҳрид- дин Иброҳимов. – Инспекция ходимлари томо- нидан олиб борилаётган белгиланган ишлари бизга қатта қумак бермоқда. Чунки, қурилиш давомида олиб борилаётган ишларнинг ҳозир- ги кўзга ташланаётган камчиликларни бирга- ликда бартараф этишимиз биз учун жуда ҳам муҳимдир. Биноларнинг қурилиши ва сифати бўлиши узок муддатда аҳолига хизмат қўрса- тиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир уй хавфсиз ва мустаҳкам бўлиши шарт. Қурилиш соҳасида- ги ислохотлар айнан бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.



– Махсус ишчи гуруҳ ва масъуллар билан биргаликда объект қурилишларини кўздан ке- чирганимизда бир қисми рухсат этувчи ҳўж- жатларга эга, лекин ташқи қисми ноқонуний қурилиш, яъни рухсат этувчи ҳўжжатга ушбу объектни киритилмагани аниқланди, – деди Давлат архитектура назорати департаменти мутахассиси Жавохир Эргашбоев. – Шу сабабли фуқароларга объект ноқонуний эканини тушун- тирдик. Вазирлар Маҳкамасининг қарори йжро- сини таъминлаш мақсадида дастлаб Андижон вилоятида чора-тадбирлар бошланди. Фуқа- роларимиздан ўзбошимчалик билан рухсат этувчи ҳўжжат тайёрламасдан туриб қурилиш- ларни бошламасликларини сўраб қолардик. Акс ҳолда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларида назарда ту- тилган жавобгарликка сабаб бўлиб, БХМнинг 150 баробари миқдориди жарима қўлланади. Аҳоли бу жараёнда биринчи навбатда, ўз ҳуду- дидаги яшаш жойи бўладими, ўзига тегишли бошқа ер участкаси бўладими қурилишлар- ни режалоштираётганда лойиҳа-сметаларни ишлаб чиғиб, уни туман шаҳар бўлимлар билан келишилган ҳолда бошлашларини тавсия қил- ган бўлардик.

Бундай назорат ишлари республикаимизнинг бошқа вилоятларида ўтказилиши режалошти- рилган.

Ўз мухбиримиз.

Бранденбург дарвозаси – тошларда битилган буюк тарих

Дунёда айрим меъморий иншоотлар борки, улар шунчаки бино ёки ёдгорлик эмас, балки бутун бир халқнинг тарихий хотираси, маданияти ва рухияти тимсолига айланади. Германия пойтахти Берлин шаҳридаги “Бранденбург дарвозаси” ана шундай ноёб меъморий дурдоналардан биридир.

Абдужаббор АЛИКУЛОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

У ўзининг нафис дизайни, пухта конструктив ечимлари, классик меъморий услуги ва мураккаб тарихий тақдири билан дунё меъморчилиги хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Бранденбург дарвозаси XVIII аср охирида Пруссия қироли Фридрих Вильгелм II ташаббуси билан бунёд этилган. Иншоот дастлаб галаба ва куч-қудрат рамзи эмас, балки тинчлик ғоясини ифодаловчи “Тинчлик дарвозаси” сифатида лойиҳалаштирилган. Қурилиш ишлари 1788 йилда бошланиб, 1791 йилда якунланган. Ушбу лойиҳа ўз даврининг машҳур меъмори Карл Готтһард Лангһанс томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у Пруссия саройининг бош меъморларидан бири сифатида танилган. Лангһанс қадимги юнон меъморчилигини чуқур ўрганган ва Бранденбург дарвозаси лойиҳасида Афинадаги Акрополнинг тантанали кириш қисми – Пропилеядан илҳомланган.

Айнан мана шу жиҳат Бранденбург дарвозаси дизайнининг энг муҳим хусусиятини ташкил этади. Меъмор иншоотни неокласси-

цизм услубида яратди. XVIII аср Европада кенг тарқалган ушбу йўналиш антик давр санъати ва меъморчилигини қайта талқин қилишга асосланган эди. Натижада Берлин марказида қадимги Юнонистон руҳини эслатувчи, аммо замонавий давлат ғояларини ифодаловчи улутвор дарвоза қад ростлади. Дарвозанинг конструктив ечими ҳам ўзига хосдир. Қумтошдан бунёд этилган иншоотнинг баландлиги қарийб 26 метр, эни 65,5 метр, чуқурлиги эса 11 метрни ташкил этади. Унинг асосий қисмида икки қатор бўлиб жойлаштирилган 12 та дорик устуни мавжуд. Ҳар бир қатор олтига устундан иборат бўлиб, улар бешта алоҳида йўлакни ҳосил қилади. Ўрта йўлак авваллари фақат қироллик oilаси вакиллари учун мўлжалланган бўлса, қолган йўлақлардан оддий фуқаролар фойдаланган. Бу эса меъморий шакл орқали уша даврдаги ижтимоий табақаланишнинг ҳам акс эттирилганини кўрсатади.

Дарвозанинг бадийий безаклари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Иншоотнинг юқори қисмида жойлашган машҳур “Квадрига” ҳайкали Бранденбург дарвозасининг энг таниқли элементи ҳисобланади. Тўрт от қўшилган аравада тасвирланган аёл сиймоси дастлаб тинчлик маъбудаси сифатида талқин қилинган бўлса-да, кейинчалик галаба маъбудаси Виктория тимсолига айланган. Ушбу бронза композиция таниқли ҳайкалтарош Иоганн Готфрид Шадов томонидан 1793 йилда яратилган. Наполеон Бонапарт Берлинни эгаллаган пайтда Квадрига Парижга олиб кетилган, бироқ 1814 йилда яна ўз ўрнига қайтарилган. Шундан сўнг у Германия тарихидаги галаба ва тикланиш тимсолига айланди.

Бранденбург дарвозаси лойиҳасининг яна бир эътиборга молик жиҳати – мутаносиблик ва геометрик аниқлиқлар. Лангһанс антик меъморчилик қоидаларига содиқ қолган ҳолда, устунлар ўлчами, йўлақлар кенглиги ва умумий ҳажм ўртасидаги нисбатни пухта ҳисоблаган. Натижада иншоот улкан бўлишига қарамай,



оғир ва қўпол таассурот уйғотмайди. Аксинча, унда тантанаворлик, нафислик ва меъморий уйғунлик мужассам.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Бранденбург дарвозаси Германияда қад кўтарган дастлабки ийрик юнон уйғониш услубидаги иншоотлардан бири ҳисобланади. У кейинчалик Европа меъморчилигида неоклассицизмнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган. Шу маънода, дарвоза нафақат тарихий обида, балки ўз даврининг инновацион меъморий тажрибаси ҳамдир. Бироқ Бранденбург дарвозаси аҳамияти фақат эстетик ва меъморий қиммат билан чекланмайди. XX асрда у Германия тақдирининг гувоҳига айланди. Иккинчи жаҳон уруши даврида жиддий зарар кўрган иншоот кейинчалик қайта тикланди. Совуқ уруш йилларида эса Берлин девори айнан шу дарвоза ёнидан ўтганлиги сабабли, Бранденбург Шарк ва Ғарб ўртасидаги бўлиниш рамзига айланди. 1989 йилда Берлин девори қулагач, дарвозанинг қайта очилиши бутун дунё учун бирлашув ва эркинлик тимсоли сифатида қабул қилинди.

Бугунги кунда Бранденбург дарвозаси Германиянинг энг машҳур сайёҳлик масканларидан бири саналади. Ҳар йили миллионлаб сайёҳлар ушбу иншоотни томоша қилиш учун

Берлинга ташриф буюради. У давлат ташрифлари, халқаро тadbирлар, маданий фестиваллар ва Янги йил байрамларининг марказий майдони-га айланган. Германиянинг демократик қадриятлари, очиқлик сиёсати ва миллий бирдамлиги кўпинча айнан Бранденбург дарвозаси тимсолида намоён бўлади.

Аслида, Бранденбург дарвозаси бизга муҳим бир ҳақиқатни эслатади – ҳақиқий меъморчилик фақат тош, устун ва безаклардан иборат эмас. Буюк иншоотлар ўзида давр руҳини, халқ хотирасини ва келажак авлодларга етказиладиган ғояларни мужассамлаштиради. Берлин марказида қад ростлаган ушбу улутвор дарвоза икки асрдан ортиқ вақт давомида урушларни ҳам, тинчликни ҳам, бўлинишни ҳам, бирлашишни ҳам кўрди. Бугун эса у инсониятнинг энг эзгу орзуларидан бири – тинчлик ва ҳамжиҳатликнинг меъморий ифодасига айланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Бранденбург дарвозаси нафақат Германия тарихининг гувоҳи, балки меъморий тафаккур, эстетик мукамаллик ва инсониятнинг бирдамлик ҳақидаги орзуларини ўзида мужассам этган ноёб обидадир. У ўтмишдан сабоқ олиб, келажакка ишонч билан қарашга ундовчи, тошларда битилган буюк тарихдир.

Фарғона туризм марказларидан бири бўла оладими?

Туризм кўмитаси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида яна бир муҳим ташаббус амалга оширилди. Марказий Осиёнинг етакчи туризм компаниялари ва турагентликлари раҳбарларидан иборат делегация Фарғона вилоятида бўлиб, икки кун давомида ҳудуднинг туризм салоҳияти, яратилган шарт-шароитлар ва истиқболли лойиҳалар билан яқиндан танишди.

Тadbир меҳмонлар иштирокида ўтказилган конференция ҳамда B2B форматидagi учрашувлар билан бошланди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари Хўршиджон Аҳмедов, соҳада фаолият юритаётган мутахассислар, шунингдек, вилоятдаги етакчи туркомпаниялар ва меҳмонхона раҳбарлари иштирок этди.

Фарғона вилоятининг бой туризм салоҳияти, амалга оширилаётган янги инвестиция лойиҳалари ҳақида батафсил маълумот берилди. Компаниялар ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган меморандум ва шартномалар имзоланди.

Делегация аъзолари Фарғона шаҳридаги “Фарғона экспo” халқаро кўргазмалар мажмуаси, Фарғона туманида жойлашган “Аввал” туризм қишлоғи, “Каркидон” сув омбори ҳудудида ташкил этилган замонавий туризм масканлари, Марғилон шаҳридаги Хўнармандлар маркази ҳамда “Бурҳониддин Марғиноний” илмий-маърифий ва туризм марказида бўлдилар. Ушбу манзиллардаги ўзига хослик, тарихий мерос, миллий қадриятлар ва замонавий ёндашув асосида яратилган имкониятлар меҳмонларда катта таассурот қолдириди.

Шундан сўнг, Риштон тумани ва Қўқон шаҳри ҳудудларидаги тарихий обидалар, хўнармандчилик устаконалари, кўргазма заллари ҳамда сайёҳлик имкониятлари билан танишдилар, деб хабар қилади ЎЗА мухбири Мухаммадjon Обидов.

Янги шартномалар амал қила бошлагач, Фарғонага сайёҳлар оқими кўпайиши кутилмоқда.

БОШ ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Буюртмачи: “Chorvoq Resort Complex” МЧЖ.
Объект жойлашган ҳудуд: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, “Фазогир” МФЙ, 477-уй.
“Чорвоқ дарвозаси” мажмуасини Чирчиқ дарёси ҳудудида туташ қирғоқ қисмида (акваларк сув ҳавзаси ва суғориш тизими) сув билан таъминлаш учун сув олиш насос станциясига тегишли муҳандислик иншоотларини лойиҳалаш ва қуриш объекти қурилишини “тайёр ҳолда топшириш” шарти асосида бош пудрат ташкилотини танлаш бўйича

ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!

Қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда бошланиши назарда тутилгани муносабати билан ТИЖОРАТ ТАКЛИФИДА:

- назорат ўлчови натижаларига мувофиқ аниқландиган объект умумий қийматидан фoиз кўринишида таклиф этиладиган чегирма миқдoри;
- объект бўйича кафолат муддатлари кўрсатилиши лoзим.

Талабгорлар танлов бўйича лoйиҳанинг дастлабки тавсифи, малака талаблари, баҳо-

лаш мезонлари тўғрисидаги ва бошқа маълумотларни <https://nbuig.uz/uz/press-tsentr> сайтидан олишлари мумкин.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати: 2026 йил 21 июнь, соат 18.00 гача.

Таклифлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Буюртмачи: “Chorvoq Resort Complex” МЧЖ.
Алоқа телефони: 33-900-12-21, Ҳайитов Рустам.
Электрон почта: kuchkarov@nbuig.uz
Почта манзили: Ўзбекистон, Тошкент, 100060, Я. Фуломов кўчаси, 95.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 16 - 18 июнь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бош мутахассиси **Юлдуз Раҳимова**,

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ бош бухгалтери **Бобур Хўжакулов**,

Техник метёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти мутахассиси **Ҳасанбой Абдуфаттохов**,

“Ўзоғирсаноатлоийҳа” АЖ ООПР хайдовчиси **Фаррух Хўжакулов**, етакчи муҳандис **Комил Мирзаев**,

“O‘zshaharsozlik LIT‘” ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси етакчи муҳандиси **Сайёра Курбонқулова**, 3-устахонаси архитектори **Зебо Сайфутдинова**, Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 10-устахонаси техниги **Сулонбек Олмосов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги етакчи мутахассиси **Расул Шамшетдинов**,

Андижон вилояти Избоскан тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Жаҳонгир Ҳожиматов**,

Қашқадарё вилояти Қарши тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Рустам Исоқов**,

“Иссиқлик таъминоти” АЖ Соҳага инновацион ва муқобил технологияларни жорий

этиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш бошқармаси бош мутахассиси **Александр Ковтанюк**, “Бухоро” филиали ҳисобчиси **Мансур Тожиев**, “Самарқанд” филиали қозонхона оператори **Мансур Суяров**, ишлаб чиқариш муҳандиси **Илҳом Элбоев**, “Қашқадарё” филиали 2-сон қозонхона чилангари **Шоҳжаҳон Хусанов**, “Пискент тумани” филиали қозонхонага хизмат кўрсатиш бўйича чилангари **Абдували Ҳакимов**, Янгийўл шаҳар филиали чилангари **Абдулазиз Каримжонов**,

Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши умумий масалалар бўйича мутахассис **Комил Зоҳидов**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси қоровули **Бахтиёр Кунназаров**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси қоровули **Бахтиёр Кунназаров**,

Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги “Қумушбиби-Ширкати” БСК МЧЖ бош директори **Олим Аширов**, “Искандар Авлоди” БСК МЧЖ бош директори **Насриддин Иброҳимовларни** таваллуд қуни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

Тахрир хайъати:
Шерзод Хидоятгов (Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов,
Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Тулганов, Юлдаш Мағрулов,
Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Тахририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари –
Райҳона Ҳўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Муассиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Наشرіёт
уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**“Ўзбекистон бунёдкори”
Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
вазирлиги,
“ЎЗАШКЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеоранметЛИТИ” ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,
18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси:
90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 641.
1414 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли
чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – 2046 Топширилди – 22.30.

“O‘ZBEKISTON BUNYODKORI” ГАЗЕТАСИГА 2026 йил учун обуна давом этмоқда!



uzbunyodkor.uz



t.me/uzbunyodkor



info@uzbunyodkor.uz



[uzbunyodkor](https://www.instagram.com/uzbunyodkor)



[uzbunyodkor](https://www.facebook.com/uzbunyodkor)



[qurilish.today](https://t.me/qurilish.today)